

Ўқитиладиган фанлар

Фаннинг номи	Фан хақида қисқача маълумот
Бакалавриатура босқичида асосий фанлар	
1. Ер тузишнинг илмий асослари	Талабаларга фаннинг услубий асослари, ер тузиш объекти - ер ресурслари, ер тузишнинг тарихий тажрибаси ва ривожланиш шароити, ер тузишнинг умумий назарияси, ер тузиш жараёнида ҳисобга олинadиган табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар тўғрисида тушунчалар берилади. Ўзбекистонда ер тузиш тизими, ер тузиш фани ва унинг асосий ривожланиш босқичлари масалалари ўргатилади.
2. Ўрмон тузиш асослари ва ихота дарахтлари полосаларини лойиҳалаш	Талабаларга далаларни ва аҳоли яшаш жойларини, суғориш тармоқлари ва сув омборларини муҳофаза қилувчи ихота дарахтлари тизими тўғрисида тушунчалар берилади.
3. Ер тузишни лойиҳалаш	Талабаларга ер тузишни лойиҳалаш қонуниятлари, ер тузиш жараёни таркиби, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ташкил этиш лойиҳаларни ишлаш услубияти масалалари тўғрисида маълумотлар берилади.
4. Ер тузишнинг автоматлашган тизимлари	Талабаларга ер тузишда қўлланиладиган автоматлашган тизимлар тушунчаси, унинг таркиби, дастурлаш махсулотлари, ГАТ ва ЕАТ тўғрисида тушунчалар берилади ҳамда ЕТЛАТни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубияти ўргатилади.
5. Ер ҳуқуқи	Талабаларга ер ҳуқуқи тушунчаси, предмети, ўбъекти ва субъектлари, манбалари, ерга мулкчилик ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳиллари тўғрисида маълумотлар берилади ҳамда ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳолати ўргатилади.
6. Ер тузиш иқтисоди	Талабаларга хўжаликлараро ер тузиш иқтисодининг ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг оптимал ўлчамларини белгилаш, ташкил этилаётган ёки қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини рақобатбардошлигини) баҳолаш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ерларни бериш ва олишнинг иқтисодий оқибатларини ҳисоблаш усули, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар камчиликларини тугатишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари ўргатилади
7. Ер тузиш ишларини ташкил қилиш ва режалаштириш	Талабаларга ер тузиш хизмати ҳамда лойиҳа ташкилотлари ишларини ва фаолиятини ўрганиш, иш ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш асослари, ер тузиш ишларини бажаришда илмий асосланган меъёрлардан фойдаланишни, бошқариш усулларини, ер тузишда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тадбиқ қилиш йўллари ўргатади.

Танлов фанлари

1. Мутахассисликка кириш	Талабаларга ер тузиш тизимининг шаклланиш тарихи,Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ва корхоналар таркиби, Ердан фойдаланиш факультети ва унинг таркибидаги кафедраларга оид маълумотлар берилади.
2. Ердан фойдаланиш асослари	Талабаларга ердан фойдаланиш тушунчаси, унга таъсир кўрсатувчи омиллар, халқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг роли тўғрисида маълумотлар берилади.
3. Ер тузиш	Талабаларга ер тузиш тушунчаси, унинг хиллари ва уларда амалга ошириладиган ҳаракатлар тўғрисида тушунча ва маълумотлар берилади.

Магистратута босқичида

Фаннинг номи	Фан Фан ҳақида қисқача маълумот
1. Худудларни ривожлантириш	Магистрантларга республикамизда амалга оширилаётган туб иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар асосида худудларни ривожлантириш ва ҳаракатдаги ер қонунчилигига оид қонунлар ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳолати масалалари ўргатилади.
2. Ер участкаларини шакллантириш	Магистрантларга ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари тўғрисида маълумотлар берилади ва уларни баҳолаш ва шакллантириш тартиби масалалари ўргатилади.
3. Ердан фойдаланиш иқтисоди	Магистрантларга ердан фойдаланувчи тўғрисида маълумотлар берилади ва уларни баҳолаш ва шакллантириш тартиби масалалари ўргатилади.
4. Ердан фойдаланишда интеграцион бошқарув	Магистрантларга республикамизда мавжуд ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тушунчаси, бошқариш усуллари тўғрисида маълумотлар берилади.